

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.30.08.2018.V.02.08
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАКУЛОВ СОБИТЖОН ОЛТИНОВИЧ

**ГЕПАТИТДА ЖИГАР МИТОХОНДРИЯСИДА ЭНЕРГИЯ
АЛМАШИНУВИ ВА ПЕРЕКИСЛИ ОКСИДЛАНИШНИ ФЛАВОСАН
ВА ДАДЗИН БИЛАН КОРРЕКЦИЯЛАШ**

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2019

УДК: 576.311:616.03: 591.436+661.729

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирзакулов Собитжон Олтинович

Гепатитда жигар митохондриясида энергия алмашинуви ва перекисли оксидланишни флавосан ва дадзин билан коррекциялаш..... **3**

Мирзакулов Собитжон Олтинович

Энергетический обмен и перекисное окисление митохондрий печени при гепатите и их коррекция флавосаном и дадзином..... **21**

Mirzakulov Sobitjon Oltinovich

Energetic metabolism and peroxidation of liver mitochondria at hepatitis and its correction by flavosan and daidzin..... **39**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... **43**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.V.02.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАКУЛОВ СОБИТЖОН ОЛТИНОВИЧ

**ГЕПАТИТДА ЖИГАР МИТОХОНДРИЯСИДА ЭНЕРГИЯ
АЛМАШИНУВИ ВА ПЕРЕКИСЛИ ОКСИДЛАНИШНИ ФЛАВОСАН
ВА ДАДЗИН БИЛАН КОРРЕКЦИЯЛАШ**

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/B88 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.samdu.uz манзилига ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алматов Карим Тажибаевич

биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Матчанов Азат Таубалдиевич

биология фанлари доктори, профессор

Алиев Дилмурод Давронович

биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.30.08.2018.B.02.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Самарқанд давлат университети Биология факультети биноси, 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51), E-mail: m_nasrullayeva@mail.ru).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____даги ____ рақамли реестр баённомаси).

З.Т.Ражамуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

М.С.Кузиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология бўйича фалсафа доктори

Х.Қ.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда жигар касалликлари, жумладан, гепатитнинг кенг тарқалиши табиий гепатопротектор воситаларига бўлган талабнинг ҳам ошишига олиб келмоқда. Бу ўринда, жигар касалликларини даволашда ҳужайранинг метаболик жараёнларини коррекцияловчи ўсимлик субстанцияларининг етишмаслиги биологик фаол моддаларнинг алоҳида гуруҳларининг гепатопротекторлик хусусиятларини аниқлашни ва амалиётга тадбиқ этишни тақозо этмоқда. Шунга кўра, гепатит касаллигини даволаш самарадорлигини оширувчи биологик фаол моддаларни аниқлаш ва уларни жигар ҳужайралари фаолиятини яхшилашдаги аҳамиятини асослаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда жигар тўқимаси фаолиятини бузилиши билан борадиган касалликларни даволашда ҳужайра митохондрияларининг энергия алмашинуви ва липидларнинг перекисли оксидланишини турли биологик фаол моддалар билан коррекциялашга катта эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш лозимки, табиий гепатопротекторлар ичида полифенол бирикмалари, жумладан, флавоноид унумлари, касалланган шароитда ҳужайра оксидазалари синтезини нормаллаштириш, оксил синтези ва антиоксидант ферментлар фаоллигини кучайтириш йўли билан ҳужайраларга антиоксидант ва метаболик таъсир кўрсатиши алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда ўсимлик турларидан ажратиб олинган флавоноид унумларининг хилма-хиллиги ва уларни ҳужайралар фаолиятига таъсир этиш кўламининг кенглиги улар орасидан гепатопротектор таъсирга эга бўлган гуруҳларини ажратиш, жигар митохондрияси фаолиятини яхшилашдаги аҳамиятини асослаш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишни талаб этмоқда. Шунга кўра, жигар касалликларини даволашда қўлланиладиган флавоноид унумларини аниқлаш, уларни жигар митохондрияси энергия алмашинуви ва липидларнинг перекисли оксидланишни коррекциялашдаги ўрнини асослаш ҳамда флавоноидлар асосида янги самарадор доривор препаратлар ишлаб чиқаришга тавсиялар муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикамизда жигар фаолияти билан боғлиқ касалликларни олдини олиш ва уларни даволаш самарадорлигини ошириш учун янги авлод дори воситалари ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, флавоноидлар асосида гепатопротектор фаолликка эга бўлган табиий субстанциялар ажратиб олинди, маҳаллий ўсимлик хом ашёларидан жигар касалликларини даволашда қўлланиладиган дори препаратлари ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

воситалари билан таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан ажратиб олинган флавосан ва дадзин флавоноидларини жигар касалликларида гепатоцитлар митохондриясида энергия алмашинуви ҳамда липидларнинг перекисли оксидланишини коррекциялашдаги аҳамиятини исботлаш ҳамда уларни тиббий амалиёт учун жорий этиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ -3532-сонли «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда хорижий давлатларда гепатит касаллигини даволашда самарали таъсирга эга бўлган ўсимлик моддаларидан силимариннинг жигарда антиоксидант ферментлар фаоллигини ошириши Abou Z.S. (2012) томонидан аниқланган. Шунингдек, кверцетин флавоноидининг жигар токсикологиясида митохондрияларда АТФ-синтаза фаоллигига, кислород истеъмолига ва оксидатив стресс жараёнига самарали таъсир этиши исботланган (Guzy et al., 2004). Сурункали гепатит касаллигини ривожланиши ва уни коррекциялашдаги фармакологик ёндашувларда жигар тўқималари ва митохондрия мембраналарининг бузилиши муҳим рол ўйнаши аниқланган (Ravikumar et al., 2011; Yu et al., 2016; Miltonprabu et al., 2017; González et al., 2017).

МДХ мамлакатлари олимлари Ю.А. Кучерявий ва б. (2012), Ю.В. Зимин ва б. (2001) томонидан гепатитни даволаш учун ишлатиладиган гепатопротектор воситалар, ҳамда гепатотоксик моддаларнинг организмга таъсирини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ, гепатотоксик моддалар билан заҳарланиш натижасида жигардаги ўзгаришларни даволаш билан боғлиқ бўлган бир қатор саволлар ечимсиз қолмоқда.

Ўзбекистонда мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотларда хаплогенин-7-гликозидни тажриба ҳайвонларига юборилганда гелиотрин, тетрахлорметан ва этанолни гепатотоксик таъсирини камайтириши кўрсатилган. Бу ҳолат қон зардобиди АлАт, АсАТ, ИФ и ЛДГ ферментлари фаоллигининг пасайиши, гипопропротеинемия, гипербилирубинемия ва

гиперхолестеринемиянинг бартараф этилишида намоён бўлиши аниқланган (В.Сыров, З. Хушбактова ва бошқ., 2010). Шунингдек, *in vivo* тажрибаларда ўсимлик моддаларининг оксидатив стресс шароитларида гепатоцитлар ва нерв хужайраларига антигипоксанти фаоллик намоён қилиши аниқланган (М.И.Асраров ва бошқ., 2012; К.Т.Алматов, 2016). Бу ўсимлик моддаларини стрессни коррекцияловчи таъсирлари митохондриялар даражасида амалга ошириши билан тушунтирилган. Мазкур йўналишдаги илмий изланишлар долзарб ҳисобланиб, илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг «Организмдаги турли физиологик-биокимёвий жараёнларга юқори ҳароратни ва токсик моддаларнинг таъсир механизмини ўрганиш ва уларни қайта тиклаш йўллари излаш» (2011-2017 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали гепатит моделида жигар хужайралари ва митохондриялари функционал ҳолатининг бузилишларини аниқлаш ҳамда уларни флавосан субстанцияси ва дадзин флавоноиди билан коррекциялашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гелиотринли гепатит шароитида каламушлар жигари митохондрияларидаги аденин нуклеотидлар миқдори, ноорганик фосфат ва фосфат потенциалига флавосан ҳамда дадзиннинг таъсирини ўрганиш;

сурункали гепатит шароитида экспериментал ҳайвонлар жигари митохондриялари мембраналаридаги фосфолипидлар миқдорини аниқлаш ва аниқланган ўзгаришларни флавосан ҳамда дадзин флавоноидлари ёрдамида тиклаш;

гелиотринли гепатит шароитида каламуш жигари митохондрияларида оксидланишли фосфорланиш (ОФ) жараёни бузилишларини флавосан ва дадзин флавоноидлари билан коррекциялаш;

сурункали гепатит шароитида жигар митохондрияларининг ферментлари: ротенонга сезгир ҳамда ротенонни сезмайдиган НАДН-оксидазалар, АТФ-синтаза фаолликларига флавосан ва дадзиннинг таъсирини аниқлаш;

сурункали гепатит моделида жигар гомогенати ва митохондрия мембраналарида липидларнинг пероксидланиш жараёнига флавосан ҳамда дадзин флавоноидларининг таъсирини аниқлаш;

гелиотринли гепатит моделида флавосан субстанцияси ва дадзин флавоноидининг гепатопротектор фаоллигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оқ эркак калмушлар, жигар гепатоцитлари, жигар митохондриялари ҳамда флавосан субстанцияси ва дадзин флавоноидлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети гелиотрин таъсиридаги сурункали гепатит шароитида *in vivo* тажрибаларда митохондриянинг нафас олиши, ОФ, антиоксидант ферментлар фаоллиги, ЛПО жараёнларига флавосан субстанцияси ва дадзин флавоноидининг таъсир механизми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда дифференциал центрифугалаш, фотоэлектрокалориметрия, рН-метрия, спектрофотометрия, полярография, биокимёвий ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

флавосан ва дадзиннинг сурункали гепатит шароитида жигар митохондрияларининг аденин нуклеотидлари миқдорига, ноорганик фосфат ва фосфат потенциалига самарали таъсир этиши асосланган;

in vivo шароитида сурункали гепатитни ривожланиш динамикасига боғлиқ равишда флавосан ва дадзинни жигар митохондрияси оксидаза ферментлари фаолликларини ўзгартириши ва нафас коэффициентини пасайтириши аниқланган;

флавосан ва дадзинни гепатит шароитида жигар митохондрияларидаги липидларнинг перекисли оксидланишини камайтириши ва оксидланишли-фосфорланиш самарадорлигини ошириши аниқланган;

гепатит шароитида флавосан ва дадзинни жигар митохондрияси ферментлари фаоллигини сусайишига ижобий таъсир этиши ва гепатоцитларнинг энергетик метаболизмини тиклаши исботланган;

флавосанни жигар митохондрияси мембрана структурасининг бутунлигини сақлаши аниқланган ва гепатит натижасида ўзгарган фосфолипидлар миқдорини коррекцияловчи таъсири асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали гепатит шароитида флавоноид унумларини жигар митохондрияларининг дисфункциясини коррекцияловчи таъсири исботланган;

флавосан ва дадзин флавоноидлари асосида гепатопротектор хоссага эга дори препаратлари яратиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий биофизикавий-биокимёвий тадқиқот усуллари қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Назорат ва тажрибада олинган ўртача қийматлар орасидаги фарқ Стьюдент t-тести ёки вариацион таҳлил (ANOVA) бўйича ҳисобланди ва қийматлар фарқининг статистик ишончлилиги $P < 0,05$ даражасида ифодаланди, натижалар таҳлили ва расмларни чизиш OriginPro 7,5 (OriginLab Pro) компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди. Олинган натижаларнинг исботи уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижаларнинг рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти флавоноидларнинг митохондриялар энергия алмашинуви ва ундаги липидларнинг пероксидланишига таъсирини аниқланганлиги, флавосан ва дадзинларни гепатит шароитида жигар митохондрияларининг дисфункциясини коррекцияловчи хоссаларини асосланганлиги, флавоноидларни жигар касалликларини даволашдаги аҳамиятини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жигар касалликларида хужайра мембраналарининг энергетик ва фермент фаолликларини

флавоноидлар асосида коррекциялаш, гепатитнинг турли шакллари комплекс даволашга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий ўсимлик флавоноидлари асосида самарали гепатопротектор дори воситалари яратишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гепатитда жигар митохондриясида энергия алмашинуви ва липидларнинг перекисли оксидланишини флавосан ва дадзин билан коррекциялаш бўйича олинган натижалар асосида:

флавосан ва дадзин флавоноидларини жигар митохондриялари мембранавий бузилишларига ва фермент фаолликларига гепатопротектор таъсири А-11-10 рақамли «Митохондрия касалликларга қарши дори препаратларини яратиш ва ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳада *in vivo* шароитида митохондрия мембранаси липидларининг перекисланиш маҳсулотлари ва антиоксидант тизими ферментлари хоссаларини тавсифлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 20 декабрдаги 89-03-4388-сон маълумотномаси). Натижада, флавосан ва дадзин флавоноидлари таъсирида малон диальдегиди ва диен конъюгатлари миқдори, супероксиддисмутаза ва каталаза фаолликларидаги ижобий ўзгаришларни аниқлаш ҳамда митохондрия функционал параметрларининг стабиллашини асослаш имконини берган;

флавосан ва дадзин флавоноидларининг митохондрия функционал фаолликларига самарали таъсири Сургут давлат университетининг «Ханти-Мансийск автоном округидаги ёввойи ўсимликлар полифенолларини ажратиш олиш, идентификация қилишнинг инновацион технологиялари ва уларни гепатопротектор хоссаларини шимолнинг ёшга боғлиқ касалликларида тадқиқ қилиш» мавзусидаги лойиҳада флавоноидларни мембранастабилловчи хусусиятларини аниқлашда фойдаланилган (Сургут давлат университетининг 2019 йил 11 февралдаги 12-03/329-сон маълумотномаси). Натижада, ёшга боғлиқ касалликларда юқори биологик фаолликка эга бўлган табиий полифенолларнинг гепатопротекторлик хусусиятларини механизмларини асослаш имконини берган;

флавосан ва дадзин флавоноидларини гепатопротектор хоссалари ФА-А10-Т086 рақамли «Алкоголизм ва унга боғлиқ асоратларни даволаш ва олдини олишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш» фундаментал лойиҳасида флавосан ва дадзиндан алкогольдан заҳарланиш шароитида юрак ва силлик мускул ҳужайралари ион каналлари дисфункциясини коррекция қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 28 январдаги 4/1255-189-сон маълумотномаси). Натижада, сурункали алкогольдан заҳарланишда флавосанни нейропротектор хоссасини намоён қилишини аниқлаш ҳамда нерв ҳужайралари ион каналлари бузилишларини коррекция қилишини асослаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация

мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижалари чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 7 та мақола, шулардан 5 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Гепатит шароитида жигар гепатоцитлари ва митохондрияларининг структуравий, функционал бузилишлари ва уларга флавоноидларнинг таъсири бўйича замонавий тадқиқотлар»** деб номланган биринчи бобида жигар хужайраларини гепатотоксинлар билан зарарланишининг баъзи бир ўзига хосликлари, хужайра фаолиятида митохондриянинг роли, гепатитда хужайраларда липидларнинг перекисли оксидланишини ўзгариши ва гепатопротекторлар тўғрисида замонавий тушунчалар ёритилган. Флавоноидларни хужайранинг тузилиши ва фаолиятига кўрсатадиган таъсири батафсил шарҳланган. Шунингдек, флавосан ва дадзинни организмнинг физиологик-биокимёвий кўрсаткичларига таъсири тўғрисидаги энг сўнгги адабиёт маълумотлари берилган.

Диссертациянинг **«Хайвонларда гепатит моделини яратиш, жигардан митохондрияларни ажратиш олиш ва улардаги ўзгаришларни аниқлаш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш тартиби ва ўтказиш шароитлари, фойдаланилган материаллар ва усуллар, хусусан, экспериментал гепатит моделини яратиш, жигар митохондрияларини дифференциал центрифугалаш усулида ажратиш, митохондрияларда АТФ-синтаза ва НАД.Н-оксидазаларнинг фаолликларини аниқлаш, полярография усули ёрдамида митохондрияларнинг нафас олиш тезлиги ва ОФни аниқлаш, ЛПО маҳсулотлари миқдори ва антиоксидант ферментлар фаоллиги, ҳамда митохондриялардаги оқсил миқдорини аниқлаш, натижаларни статистик қайта ишлаш услублари ёритилган.

Диссертациянинг **«Экспериментал гепатитда жигарда энергетик метаболизмини ўзгариши ва уларни флавосан ва дадзин билан коррекциялаш»** деб номланган учинчи бобида ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти профессори З.А.Хушбактова томонидан тақдим этилган ва

Thermopsis alterniflora (Афсонак) доривор ўсимлигининг ер устки қисмларидан ажратиб олинган флавосан субстанцияси ва *Puerariae radix* (Пуэрэрия дольчатая) ўсимлигидан ажратиб олинган изофлавонон – дадзиннинг гепатитда жигар тўқималаридаги аденин нуклеотидлар миқдорига, жигар митохондрияларининг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишига таъсири тадқиқ қилинган. Шунингдек, флавосан ва дадзиннинг жигар митохондрияларида АТФ-синтаза ва НАД.Н-оксидазаларининг фаолликларига таъсири ўрганилган. Ўрганилган флавосан субстанциясининг асосини флавононлар - лютеолин, хризозеолин, апигенин ва цинорозид, ҳамда изофлавонон – формонононетин (Хушбақтова, 1997) ташкил қилади.

Флавосан ва дадзинни гепатитда жигар тўқималаридаги адениннуклеотидлар миқдорида таъсири. Ҳайвонлар организмига гелиотринни юборгандан кейин жигар тўқимасида аденин нуклеотидлар ва ноорганик фосфат миқдори аста-секинлик билан ўзгара бошлади. Тажрибанинг 15-, 30-, 45- ва 60-кунларида АТФ миқдори назорат даражасига нисбатан мос равишда камайди. Бунда АМФ ва ноорганик фосфатнинг миқдори эса, аксинча, сезиларли даражада ошди. Бироқ, тажрибанинг 15- ва 30-кунлари аденин нуклеотидларининг миқдори ўзгармади, 40- ва 60-кунларга келиб эса, назоратга нисбатан 17,6 ва 15,5% га камайди. Бунда фосфат потенциалининг тажрибанинг давомийлигига қараб ошиб бориши кузатилди. Маълумки, фосфат потенциалининг катталиги кўпинча оксидланишли фосфорланиш ҳолатини акс эттиради, шунинг учун у аденин нуклеотидлар ташувчисининг функциясини ўзгаришларига сезгир бўлади. Аденин нуклеотидларининг митохондриядаги ички концентрацияси транслоказа ва АТФ-синтаза фаолликларини назорат қилиб, шу орқали нафас олиш тезлиги ва АТФ генерациясини белгилаб беради.

Флавосан ёки дадзин гепатитли ҳайвонларнинг танасига юборилганда жигар тўқималарида АТФ миқдори тажрибани давомийлигига мос ҳолда меъёрдаги кўрсаткичларга яқинлашади. Гелиотрин гепатитли ҳайвонларда тажрибанинг 10-, 20- ва 30-кунларида улардаги АТФ миқдори назорат кўрсаткичларига нисбатан 30,2; 30 ва 28,8% ларга камайиб кетиши аниқланди. Бу эса гепатитли ҳайвонларнинг жигари хужайраларида АТФ синтези бузилганлигидан далолат беради. Гепатит моделидаги ҳайвон гуруҳларини флавосан ва дадзин билан 10, 20 ва 30 кун давомида даволаганимизда, уларнинг жигаридаги АТФ миқдори (мос равишда флавосанда 23,7; 18,9 ва 7,6% га ва дадзинда 25,2; 30,8 ва 14,2% га) аста-секин назорат кўрсаткичларига яқин келиши қайд қилинди. Флавосан ва дадзин АТФ миқдорига деярли таъсир қилмайди, бироқ АМФ ва фосфат потенциалини сезиларли даражада тиклайди. Агар тажрибанинг 10-, 20- ва 30-кунларида гепатит моделидаги ҳайвонлардаги АМФ миқдори назоратга нисбатан мос равишда 88,9; 117,6 ва 72,2% га ошадиган бўлса, флавосан иштирокида 66,6; 58,8 ва 38,9% га, дадзин билан эса 70,8; 63,4 ва 44,8% ларга ошганлиги кузатилди. Гепатитни флавосан ва дадзин билан даволашдан кейин жигар хужайраларининг юқори энергияланиши цитозолда ва митохондрияларда пиридин нуклеотидларининг кучсиз тикланиши билан

боради ва бунинг оқибатида гликолиз, уч карбон цикли ва пентоза занжирининг тикланувчи қисми фаоллашиши мумкин.

Флавосан ва дадзинни гепатитда жигар митохондрияларининг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишига таъсири. Гелиотринни организмга юборилиши жигар митохондриясида энергетик метаболизмни бузилишини тезлашишига олиб келди. Гелиотрин таъсирида митохондрияларда V₂ ва V₄ метаболик ҳолатлардаги оксидланишни кучайиши, V₃ ҳолатдаги нафас тезлигининг пасайиши, хужайрада АТФ синтезини пасайиб, иссиқлик ажралиб чиқишини кучайганидан далолат беради. Демак, гелиотрин таъсирида жигар тўқималарининг энергия билан таъминланишини бузилиши, митохондрияларнинг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишини НАДга боғлиқ субстратлар оксидланганида оксидланишли фосфорланиш парчалана бошлайди.

Кейинги тажрибамизда гепатитли каламушларнинг жигар митохондрияларида сукцинатни ҳар хил метаболик ҳолатлардаги нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишига флавосан ва дадзиннинг таъсири ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Гепатитда жигар митохондрияларида сукцинатни оксидланишига флавосан ва дадзинни таъсири (M±m; n=12)

Тадқиқотни ўтказиш муддатлари, кун	Кўрсаткичлар	Назорат	Гелиотринли гепатит	Гелиотринли гепатит+ флавосан	Гелиотринли гепатит+ дадзин
10	Нафас олиш тезлиги, <i>нанограмм атом O₂/мин мг оқсил</i>				
	V ₂	40,03±3,75	56,08±2,94 ^{****}	30,42±3,02 ^{**}	35,32±2,41
	V ₃	140,0±5,43	111,58±6,11 ^{**}	89,88±5,27 ^{****}	95,30±3,41 ^{**}
	V ₄	39,74±3,80	56,11±3,67 ^{****}	30,64±4,44 ^{**}	31,04±3,22 [*]
	НК _ч	3,52±0,12	2,47±0,15 ^{**}	2,93±0,14 ^{**}	3,07±0,12 ^{**}
АДФ/О	1,87±0,08	1,57±0,07 [*]	1,7±0,08 [*]	1,65±0,09 ^{**}	
20	V ₂	44,28±4,21	47,29±4,75	38,26±4,44	35,12±1,36 [*]
	V ₃	150,14±6,2	106,78±7,45 ^{**}	113,50±8,42 ^{**}	110,25±4,01 ^{**}
	V ₄	42,20±3,36	44,48±3,72	39,09±0,12	38,77±2,22
	НК _ч	3,56±0,17	2,40±0,14 ^{****}	2,90±0,16 [*]	2,85±0,14 ^{**}
	АДФ/О	1,90±0,10	1,58±0,07 ^{**}	1,74±0,08	1,67±0,31
30	V ₂	42,71±3,84	41,00±4,14 [*]	39,42±3,82	36,64±2,14
	V ₃	146,20±5,8	100,00±7,57 ^{**}	119,74±9,89 ^{**}	118,47±4,21 ^{**}
	V ₄	41,00±3,42	38,99±4,49 ^{****}	37,72±4,12	38,33±2,41 ^{**}
	НК _ч	3,56±0,16	2,56±0,12 ^{****}	3,17±0,15 [*]	3,09±0,07 [*]
	АДФ/О	1,87±0,09	1,55±0,06 ^{**}	1,77±0,05	1,65±0,09 [*]


Изоҳ: *P<0,05; **P<0,01; ***P<0,001; ****P<0,0001

Флавосан ва дадзин таъсирида нафас назорати ва АДФ/О қиймати бирозгина қайта тикланди. Тажрибанинг 30-кунига бориб, флавосан ва дадзин гепатитли ҳайвонларнинг жигар митохондрияларида сукцинатни оксидланишини ва оксидланишли фосфорланиш жараёнининг самарадорлигини сезиларли даражада яхшилади. Флавосан ва дадзинни

гелиотринли гепатитни даволаш самараси асосан НАДга боғлиқ субстратларнинг оксидланишида кузатилади.

Флавосан ва дадзинни гепатитда электронларни нафас олиш занжири бўйлаб ташилишини пасайтириши орқали таъсир қилиши биологик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки сурункали гепатит шароитида кислород сарфини кучайиши тўқималардаги гипоксияни янада чуқурлашишига олиб келиши мумкин. Бизнинг фикримизча, флавосан ва дадзинни мембраналарни стабилловчи, антиоксидантлик ва антигипоксанти таъсири кислород ва субстратларни тежамли сарфлаш хусусияти борлигидан дарак беради. Тажрибаларимиз натижасида дадзинга нисбатан флавосанни қайта тиклаш самараси кучлироқ эканлиги аниқланди.


Флавосан ва дадзинни жигар митохондрияларида АТФ-синтаза фаоллигига таъсири. Ҳайвонлар организмига гелиотрин юборилганида митохондрияларда АТФ-синтазанинг фаоллиги пасаяди ва у тажрибанинг давомийлигига боғлиқ бўлади. Тажрибанинг 10-, 20- ва 30-кунлари гелиотринли гепатит гуруҳидаги Ҳайвонларнинг жигар митохондриясидаги АТФ-синтазанинг фаоллиги назоратга нисбатан мос равишда 27,2; 33,4 ва 38,7% камайиб кетиши аниқланди. Ҳайвонларда сурункали гепатитни ривожланиши билан уларнинг жигар митохондрияси мембрана тизимида жиддий бузилишлар бошланганлиги АТФ-синтаза фаоллигини сусайишидан ҳам далолат беради. Гелиотринли гепатит Ҳайвонларни флавосан ва дадзин билан фармакологик даволаганимизда уларнинг жигар митохондриясидаги АТФ-синтаза ферментининг фаоллиги аста-секин қайта тикланиши қайд этилди. Флавосан юборилган Ҳайвонларда тажрибанинг 10-, 20- ва 30-кунларида АТФ-синтазанинг фаоллиги гепатитли Ҳайвонларга нисбатан мос равишда 9,1; 16,8 ва 31,8% га, дадзин иштирокида эса – 4,3; 12,6 ва 28,0% га қайта тикланганлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Гепатитда жигар митохондрияларидаги АТФ-синтаза фаолликларининг флавосан ва дадзин таъсиридаги ўзгаришлари (*P<0,05; **P<0,01: n=6)

Бу ҳолат флавосан ва дадзин митохондрия матрикси ва цитозоли ўртасида махсус транспорт тизими – транслоказа томонидан амалга оширилувчи аденин нуклеотидлар (АТФ⁴⁻/АДФ³⁻) алмашинувини стимуллашани кўрсатади. Агар иккита флавоонни солиштирадиган бўлсак, флавосан дадзинга нисбатан самарали равишда гелиотринли гепатитдаги ферментнинг фаоллигини қайта тиклайди.

Флавосан ва дадзинни гепатитда жигар митохондрияларида ротенонга сезгир ва ротенонни сезмайдиган НАД.Н-оксидазаларнинг фаолликларига таъсири. Гелиотринли гепатитда митохондрия мембраналари бузила бошлайди, натижада ички мембранадан цитохром с десорбцияланиб мембраналар оралиғига чиқиши ротенонни сезадиган НАД.Н-оксидазанинг фаоллигини пасайишига, ротенонни сезмайдиган НАД.Н-оксидазанинг фаоллигини эса ошишига олиб келади. Бундай шароитда флавин цитохром в ва цитохром-оксидаза тизимларини қўшилиши содир бўлади. Ундан ташқари ротенонга сезгир НАД.Н-оксидазанинг тормозланиши флавинонуклеотиддан электронларни КоQ га ташилишини пасайиши билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин (Бодрова и др., 2000). Шу вақтгача дадзин ва флавосанни гепатитда жигар митохондрияси оксидазаларининг фаолликларига таъсири ўрганилмаган. Гепатитда тажрибанинг 10-, 20- ва 30-кунлари жигар митохондриясининг ротенонга сезгир НАД.Н-оксидазанинг фаоллиги назоратга нисбатан мос равишда 33,4; 31,3 ва 39,3% ларга пасайиши қайд этилди. Флавосан юборилган ҳайвонларнинг жигар митохондриясининг ротенонга сезгир НАД.Н-оксидаза фаоллиги тажрибанинг 10-, 20- ва 30-кунларида патологик гуруҳга нисбатан 6,8; 16,5 ва 33,5% ларга қайта тиклаши аниқланди. Дадзин таъсирида эса ротенонга сезгир НАД.Н-оксидаза 4,2; 12,7 ва 28,9% ларга фаолланганлиги аниқланди (2-расм, А).



2-расм. Гепатитда жигар митохондрияларидаги ротенонга сезгир (А) ва ротенонни сезмайдиган (Б) НАД.Н-оксидаза фаолликларига флавосан ва дадзиннинг таъсири (*P<0,05; **P<0,01; n=6)

Кейинги тажрибаларда гепатит чақирилган ҳайвонлар жигар митохондриясидаги ротенонни сезмайдиган НАД.Н-оксидаза фаоллиги ўрганилди. Гепатитда тажрибанинг 10-, 20- ва 30-кунлари ротенонни сезмайдиган НАД.Н-оксидазанинг фаоллиги назоратга нисбатан мос равишда 56,2; 67,5 ва 79,9% ларга ортиши кузатилган бўлса, флавосан таъсирида – гепатитга нисбатан 13,5; 38,7 ва 60,7% ларга камайиши аниқланди. Ана шундай ўзгариш гепатит касалига учратилган ҳайвонларга дадзин берилганда ҳам кузатилди. Тажрибанинг 10, 20 ва 30 кунлари ротенонни сезмайдиган НАД.Н-оксидазанинг фаоллиги дадзин таъсирида гепатитга нисбатан мос равишда 7,7; 32,6 ва 54,1% ларга камайиши аниқланди (2-расм, Б).

Демак, флавосан ёки дадзин гепатитда жигар митохондрияларида ротенонга сезгир НАД.Н-оксидазанинг фаоллигини аста-секин ошира бошлайди, ротенонни сезмайдиган НАД.Н-оксидазанинг фаоллигини эса, аксинча пасайтира бошлайди. Дадзинга нисбатан флавосанни гелиотринли гепатитни қайта тиклаши сезиларли бўлди.

Диссертациянинг «**Гепатитда флавосан ва дадзинни жигар митохондрия мембранасидаги липидларни перекисли оксидланишига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида гепатит шароитида каламуш жигари гомогенатидаги МДА миқдори ва антиоксидант ферментлар фаоллигининг ўзгариш динамикаси ва уларга флавосан ва дадзиннинг таъсири ўрганилди. Шунингдек, гелиотринли гепатитда жигар митохондрияларидаги МДА миқдори ва антиоксидант ферментлар фаоллигига флавосан ва дадзиннинг таъсири қисқача баён қилинган.

Гелиотринли гепатитда жигар митохондрияларидаги МДА миқдори ва антиоксидант ферментлар фаоллигига флавосан ва дадзиннинг таъсири. Ҳозирда гепатит шароитида жигар митохондрияси мембраналаридаги липидларни перекисли оксидланишини камайтирадиган ўсимлик моддалари тадқиқ қилинмоқда (Bjørndal et al., 2018). Ана шундай ўсимлик моддаларидан флавосан ва дадзин гелиотринли гепатит шароитида жигар митохондрияси ЛПО жараёнига ва антиоксидант ферментлар фаоллигига самарали таъсир этиши *in vitro* тажриба шароитларида ўрганилди. Гелиотринли гепатит ҳайвонлар жигари митохондрияларидаги МДА миқдори тажриба кунларида соғлом ҳайвонларга нисбатан мос равишда ортиб кетганлиги аниқланди. Митохондриялардаги диен конъюгатлари миқдори ҳам тажриба кунларига мос равишда ошганлиги қайд қилинди. Гепатит чақирилган ҳайвонларга флавосан субстанциясини 100 мг/кг миқдоридаги эритмасидан ҳар куни икки мартадан перорал усулда юборилган ва тажрибанинг 10-, 20- ва 30-кунларида жигар митохондрияларида МДА ва диен конъюгатлари миқдорларини камайиши аниқланди. Сурункали гепатит чақирилган ҳайвонларга дадзин флавоноидидан суткасига бир марта 100 мкг/кг дозада мускул орасига инъекция қилинганда, уларнинг жигар митохондриясидаги МДА ва диен конъюгатлари миқдори тажриба кунларига мос равишда гепатитли ҳайвон кўрсаткичларига нисбатан камайганлиги аниқланди (2-жадвал).

Демак, гелиотрин билан чақирилган гепатитли ҳайвонлар жигари митохондрияларида ЛПО жараёни кучайиб, эркин ҳолдаги зарарли таъсирга

эга бўлган маҳсулотларни ортиши кузатилади. Ҳосил бўлган МДА ва конъюгиранган диенлар жигар митохондрияси мембранасини емирилишига олиб келади. Флавосан ва дадзин гепатит шароитидаги митохондрия мембранасида бўладиган ЛПО жараёнлари дисфункциясини коррекция қилиши мумкин.

Навбатдаги тажрибамизда гепатит шароитида жигар митохондриясидаги антиоксидант ферментлар - супероксиддисмутаза ва каталаза фаолликларинг ўзгариши ва уларга флавосан ва дадзиннинг таъсири ўрганилди.

2-жадвал

Гепатитда жигар митохондрияларида липидларнинг перекисли оксидланиши ва антиоксидант тизимига флавосан ва дадзиннинг таъсири ($M \pm m$; $n = 6$)

Кўрсаткичлар	Тажриба кунлари	Назорат	Гелиотринли гепатит	Гелиотринли гепатит+ флавосан	Гелиотринли гепатит+ дадзин
МДА, мкмоль/г	10	18,96±1,77	42,90±3,88**	38,32±4,15**	40,69±4,02**
	20	18,80±1,70	45,21±4,92**	33,56±4,09*	36,09±4,76**
	30	19,05±1,97	44,94±5,85**	25,78±3,80*	27,75±3,00*
Диен конъюгати, мкмоль/г	10	55,55±5,08	136,34±10,4**	124,14±8,82***	129,76±7,7**
	20	54,96±4,77	135,98±11,0**	113,22±7,78***	121,46±6,8**
	30	55,00±5,22	129,99±12,2**	98,95±9,11**	102,68±5,9**

Изох: *P<0,05; **P<0,01; ***P<0,00

Гелиотринли гепатитни ривожланишида жигар митохондрияларида супероксиддисмутаза ва каталаза фаолликлари тажрибада назоратга нисбатан камайиши аниқланди. Гелиотринли гепатит ҳайвонларга флавосан субстанциясини юборилиши натижасида уларнинг жигар митохондриясидаги супероксиддисмутаза ва каталаза фаолликлари тажрибада патологик гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ортиши аниқланди. Дадзин флавоноидини гепатит гуруҳи ҳайвонларига 10 кун давомида юборилиши натижасида уларнинг жигар митохондрияларидаги супероксиддисмутаза ва каталаза фаолликларида ўзгариш кузатилмади. Тажрибанинг 20- ва 30-кунларида эса гепатит гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан антиоксидант фермент фаолликлари ортиши аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Гепатитда жигар митохондрияларида антиоксидант тизими фаоллигига флавосан ва дадзиннинг таъсири ($M \pm m$; $n = 6$)

Кўрсаткичлар	Тажриба кунлари	Назорат	Гелиотринли гепатит	Гелиотринли гепатит+ флавосан	Гелиотринли гепатит+ дадзин
Супероксид- дисмутаза, Е/мг оқсил	10	4,4±0,25	2,4±0,12*	2,8±0,13***	2,5±0,33***
	20	4,3±0,30	2,3±0,10**	3,2±0,12***	2,8±0,19***
	30	4,3±0,27	2,2±0,11**	3,6±0,09**	3,1±0,15**
Каталаза, моль H ₂ O ₂ минут	10	90,0±5,89	67,6±5,55***	72,4±4,00***	68,3±4,86***
	20	92,3±6,03	70,1±4,70***	75,8±3,14**	74,2±5,03**
	30	91,0±6,00	66,9±5,07***	85,6±2,09*	80,6±6,06

Изох: *P<0,05; **P<0,01; ***P<0,001


Олинган натижаларни таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкинки, гелиотринли гепатитда жигар митохондрияларида ЛПО жараёнларининг жадаллиги ошса, супероксиддисмутаза ва каталаза фаолликлари эса, аксинча пасаяди. Бу ўзгаришлар тажриба муддатларининг узайтирилиши билан кучаяди. Бунда патологиянинг кучайиши билан водород пероксидининг ҳосил бўлиши ҳам кучаяди, супероксиддисмутаза ва каталаза фаолликлари эса, аксинча пасаяди. Гепатитли ҳайвонлар организмга флавосан ва дадзинни юборганда жигар митохондрияларида ЛПО интенсивлиги пасаяди, антиоксидантлар фаоллиги ошади ва флавосанни юбориш муддатининг узайтирилиши билан соғлом ҳайвонларнинг кўрсаткичларига яқинлашади. Шунинг учун, антиоксидант таъсирга эга бўлган гепатотроп моддаларни яратиш, ўрганиш ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш долзарб муаммолардан биридир.

Диссертациянинг «Гелиотрин гепатитда жигар митохондриясида фосфолипидлар миқдорининг ўзгаришлари ва уларни флавосан билан коррекциялаш» деб номланган бешинчи бобида гелиотринли гепатитда жигар митохондрияларида фосфолипидларнинг миқдорий ўзгаришлари ва уларга флавосаннинг таъсири ўрганилди.

Липидлар мембраналардаги кўплаб функционал жараёнларда: энергетик ташилиш, сигналларни узатилишида ва ҳар хил патологик ҳолатларда ҳам муҳим роль ўйнайди (Дятловицкая и др., 1998). Шу сабабли биз ўз олдимизга биринчидан, гелиотринни организмга оз миқдордан сурункали юбориб, жигар митохондрия мембраналарида жойлашган фосфатидилсерин ва фосфатидилинозитлардаги ўзгаришлар динамикасини аниқлаш ва иккинчидан, гепатитда бу фосфолипидларга флавосан қандай таъсир кўрсатишини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик. Олинган натижаларга кўра, гелиотрин юборилгандан кейин 15 ва 30 кун ўтгандан кейин, тажриба гуруҳидаги ҳайвонлар жигари митохондрияларидаги фосфатидилсерин миқдори назоратга нисбатан мос равишда 4,2 ва 8,4%ларга ортганлиги аниқланди. Гелиотрин юборилгандан 45 ва 60 кун ўтиб, ҳайвонлар жигари митохондрияси мембранасидаги фосфатидилсерин миқдори назорат кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 17,0 ва 25,5% га ортганлиги қайд қилинди (3-расм, А).

Гепатитли ҳайвонлар жигари митохондрияси мембранасидаги фосфатидилинозит миқдорида эса назоратга нисбатан тажрибанинг 15-кунига келиб ҳеч қандай ўзгариш кузатилмаган бўлса, 30-, 45- ва 60-кунларига келиб эса, назоратга нисбатан мос равишда 11,8; 22,4 ва 27,3% га камайганлиги аниқланди (3-расм, Б). Бу олинган натижалар адабиётлардаги маълумотларга мос келади (Алматов и др., 1986).

In vivo тажрибамизда гепатитни флавосан билан даволаганда жигар митохондрияларида фосфатидилсериннинг миқдори патологик ҳайвонлардаги кўрсаткичга нисбатан камайиб, фосфатидилинозитнинг миқдори эса аксинча, кўпайиб назорат ҳайвонлардаги кўрсаткичга яқинлашади.



3-расм. Гелиотрин билан заҳарланган каламушлар жигари митохондриялари мембраналаридаги фосфатидилсерин (А) ва фосфатидилинозитлар (Б) миқдорларининг ўзгариш динамикаси ($P < 0,05$; $n = 8$)

Бизнинг фикримизча, гелиотринли гепатитда, флавосан жигар митохондриялари мембранасидаги фосфатидилсериннинг синтези секинлаштириб, фосфатидилинозит синтезини эса тезлаштириши мумкин.

Гелиотринли гепатитда жигар митохондриялари мембраналарида фосфатидилхолин, фосфатидилэтаноламин ва уларнинг лизошакллариининг миқдорий ўзгаришлари ва уларга флавосаннинг таъсири. Ҳайвонларга гелиотрин юборилгандан кейин 15 кун ўтиб, жигар митохондрияларида фосфатидилхолиннинг миқдори деярли ўзгармади, аммо патологияни ривожланиш динамикасига боғлиқ равишда соғлом ҳайвонлардаги кўрсаткичга нисбатан ортиши кузатилди. Ҳайвонларга гелиотрин юборилгандан 15 кундан кейин жигар митохондрияларида лизофосфатидилхолиннинг миқдори деярли ўзгармади, аммо, 30-; 45- ва 60-кунларда лизофосфатидилхолиннинг миқдори соғлом ҳайвонлардаги кўрсаткичга нисбатан 9,5; 16,6 ва 25,0% га камайди.

Гелиотринли гепатит чақирилган ҳайвонларда фосфолипидлар ўзгаришига флавосаннинг таъсири аниқланди. Олиб борилган *in vivo* тажрибаларимизда гепатитли ҳайвонлар тажрибанинг 10-, 20- ва 30-кунлари жигар митохондрияларида фосфатидилхолиннинг миқдори 13,9; 12,7 ва 15,8% га кўпайган бўлса, 10 кун давомида флавосан юборилгандан кейин 8,6%га пасайди, 20-куни назоратга яқинлашди, 30-куни эса назорат кўрсаткичига тенглашди. Гепатитда жигар митохондрияларида лизофосфатидилхолиннинг миқдори тажрибанинг 10-, 20- ва 30-кунлари 26,5; 22,2 ва 31,0% га камайган бўлса, флавосан юборилган ҳайвонлар жигари митохондрияларидаги лизофосфатидилхолиннинг миқдори аста-секин кўпайиб (10- ва 20-кунлари 15,2 ва 10,4% гагина камайди), тажрибанинг 30-куни, назоратдаги кўрсаткичга тенглашди. Демак, флавосан гепатитда жигар митохондрияларида лизофосфатидилхолиннинг миқдорини кўпайтириб, нормадаги кўрсаткичга тенглаштирди.

Кейинги тажрибамизда гепатит шароитида жигар митохондрияларида фосфолипидлар миқдори назоратга нисбатан камайганлиги, флавосан билан даволаганда фосфатидилэтанолламин ва лизофосфатидилэтанолламиннинг миқдори назорат ҳайвонлардаги кўрсаткичга тенглашганлиги аниқланди. Гелиотринли гепатитда жигар митохондрияларида фосфатидилэтанолламин ва лизофосфатидилэтанолламинларнинг миқдорлари камаяди. Бизнинг фикримизча, гепатитда жигар митохондрияларида фосфатидилэтанолламиннинг миқдорини камайишини сабаби 2 хил бўлиши мумкин. Биринчиси, фосфатидилсериндан фосфатидилэтанолламиннинг синтезини секинлашишидан бўлса, иккинчиси, эндоген фосфолипаза А₂ нинг фосфатидилэтанолламинга нисбатан фаолликларини ошишидан бўлиши мумкин (Алматов, 1990). Гепатитда митохондрия мембраналарида лизофосфатидилэтанолламиннинг миқдорини камайиши фосфолипидларни трансациллаш жараёнида ҳосил бўлишини кучайиши ёки эндоген фосфолипаза А₁ нинг лизофосфатидилэтанолламинга нисбатан гидролитик фаоллигини ошиб кетишидан бўлиши мумкин.

Демак, флавосан субстанцияси жигар митохондриялари мембранаси структурасининг бутунлигини сақланишида муҳим роль ўйнаши ва гепатит натижасида ошган фосфолипидлар миқдорини камайтириб, камайган фосфолипидларнинг миқдорларини кўпайтириши мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. Ҳайвон организмига гелиотринни сурункали юборилиши АТФ миқдори ва аденин нуклеотидлар йиғиндисининг пасайишига, АМФ, ноорганик фосфат ва фосфат потенциалининг эса ошишига олиб келиб, флавосан ва дадзинлар таъсирида ушбу кўрсаткичлар миқдорини қайта тикланиши содир бўлади.

2. Сурункали гепатитда жигар митохондриялари мембранасидаги фосфолипидлар миқдорининг тажриба давомийлигига мос равишда ўзгаради. Флавосан ва дадзинларнинг модел ҳайвонлар организмига юборилишида мавжуд ўзришларни қайта тикланиши, флавоноидларни митохондриялар мембранасидаги фосфолипидлар миқдорига самарали таъсир қилишини изоҳлайди.

3. Сурункали гепатит билан касалланиш гепатоцитлар митохондрияларидаги оксидланишли фосфорланиш жараёнини ажралишига олиб келиб, гепатитли ҳайвонларни флавосан ва дадзин бирикмалари ёрдамида коррекция қилиниши гелиотрин асоратини бутунлай йўқолишини тامينлайди.

4. Сурункали гепатит шароитида жигар митохондриялари ферментлари – НАД·Н-оксидазалар, АТФ-синтаза фаолликларининг ўзгариши кузатилиб, бу гепатитда жигар митохондрияларининг энергетик ҳолатини сусайишидан далолат беради. Бундай шароитда организмга флавоноидларнинг давомий киритилиши митохондрияларнинг энергетик тизимининг барқарорлигини оширади.

5. Гелиотринни организмга юборилиши жигар хужайралари гомогенати ва митохондрияларида ЛПО жараёни кўрсаткичларини нисбатан оширади. Мазкур шароитда хужайранинг антиоксидант тизими ферментлари – супероксиддисмутаза ва каталаза фаолликлари сезиларли даражада пасаяди. Флавосан ва дадзин таъсирида МДА ва диен конъюгатлари миқдори ҳамда антиоксидант ферментлар фаоллигини нормаллашуви флавоноидларни жигар хужайраларига мембранафаол таъсирини изохлайди.

6. Сурункали гепатит шароитида жигар митохондрияларида кузатиладиган дисфункцияларни коррекциялашда флавосан субстанциясининг гепатопротекторлик фаоллиги дадзинга нисбатан юқори бўлганлиги учун лютеолин, цинарозид, апигенин, хризоеариол, формононетин флавоноидлари асосида сурункали гепатит касаллигини даволашда қўлланиладиган табиий дори воситаларини ишлаб чиқариш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.30.08.2018.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

МИРЗАКУЛОВ СОБИТЖОН ОЛТИНОВИЧ

**ЭНЕРГЕТИЧЕСКИЙ ОБМЕН И ПЕРЕКИСНОЕ ОКИСЛЕНИЕ
МИТОХОНДРИЙ ПЕЧЕНИ ПРИ ГЕПАТИТЕ И ИХ КОРРЕКЦИЯ
ФЛАВОСАНОМ И ДАДЗИНОМ**

03.00.08 – Физиология человека и животных

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.2.PhD/В88.

Диссертационная работа выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Алматов Карим Тажибаевич**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Матчанов Азат Таубалдиевич**
доктор биологических наук, профессор

Тапилов Тапил Тапилович **Алиев Дилмурод Давронович**
кандидат биологических наук

Ведущая организация: **Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.30.08.2018.В.02.08 при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Конференц-зал факультета Биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано под № ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51. E-mail: m_nasrullayeva@mail.ru.

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № «___» _____ 2019 года)

З.Т. Ражамуродов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

М.С Кузиев

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, PhD

Х.К. Хайдаров

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., доц.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире распространение гепатита, т.е. заболевания печени, приводит к особым требованиям, предъявляемым к природным гепатопротекторным средствам. В этом отношении, дефицит растительных субстанций, корригирующих метаболические процессы в клетке при лечении заболеваний печени, требует выявления гепатопротекторных свойств отдельных групп биологически активных веществ и внедрение их в терапию. Исходя из этого, выявление биологически активных веществ, повышающих эффективность лечения гепатита и обоснование их значения при улучшении функций клеток печени, приобретает научно-практическую значимость.

В мире особое внимание уделяется коррекции энергетического метаболизма митохондрий и перекисного окисления липидов при лечении заболеваний, обусловленных нарушениями функций тканей печени различными биологически активными веществами. Следует отметить, что среди природных гепатопротекторов полифенольные соединения, в частности производные флавоноидов, обладают антиоксидантным и метаболическим действиями на клетки в патологических состояниях, нормализуя синтез оксидаз клеток, усиливая синтез белка и повышая антиоксидантную активность ферментов. На сегодняшний день разнообразие производных флавоноидов растительного происхождения и широкий спектр их действия на клеточные функции требует выявления среди них групп с гепатопротекторными свойствами, обоснования их значения в улучшении функций митохондрий печени, а также внедрения в практику. В связи с этим, выявление производных флавоноидов, используемых при лечении заболеваний печени, обоснование их роли в коррекции энергетического метаболизма митохондрий печени и перекисного окисления липидов, а также рекомендации по разработке более эффективных лекарственных препаратов на основе флавоноидов имеет важную научно-практическую значимость.

Сегодня в нашей республике особое внимание уделяется созданию нового поколения лекарственных средств для профилактики и повышения эффективности лечения заболеваний, связанных с функциями печени. В этом отношении, в частности, на основе флавоноидов выделены природные субстанции с гепатопротекторной активностью, налажено производство лекарственных препаратов из местного растительного сырья, применяемых для лечения заболеваний печени. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² намечены задачи «о дальнейшем развитии фармацевтической промышленности и улучшении обеспеченности населения и медицинских учреждений доступными, качественными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения». Исходя из этих задач, в частности, доказательство значения флавоноидов флавосана и дадзина,

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

выделенных из местного растительного сырья, при коррекции энергетического метаболизма и перекисного окисления липидов митохондриях гепатоцитов при заболеваниях печени, а также внедрение их для медицинской практики приобретают научно-практическую значимость.

